DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojhpl-06-11-44 Pages: 527-538

Oriental Journal of History, Politics and Law

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl

INTERPRETATION OF PERSONAL FREEDOM AND SOCIAL RESPONSIBILITY IN SOCIOCENTRIC AND PERSONALISTIC CONCEPTS OF SOCIAL DEVELOPMENT

Tunis Nurkosimovich Khojiyev
Independent researcher
National University of Uzbekistan
karfagen_87@mail.ru
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: social development, sociocentrism, personalism, freedom, responsibility, moral self-improvement, choice, social institution, progress, regress.

Received: 21.11.26
Accepted: 22.11.26
Published: 23.11.26

Abstract: The article presents a comparative analysis of sociocentric and personalistic interpretations of social development on the basis of the criteria of the relationship between the individual and society, freedom, responsibility and moral self-improvement. It reveals the influence of centralized planning on personal initiative, the interdependence of external and internal freedom, and the syncretic nature of progressive and regressive changes in social development. As a result, it is substantiated that the balance between personal freedom and social responsibility is an important condition of sustainable development.

ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ СОЦИОЦЕНТРИК ВА ПЕРСОНАЛИСТИК КОНЦЕПЦИЯЛАРИДА ШАХС ЭРКИНЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТНИНГ ТАЛҚИНИ

Тунис Нуркосимович Хожиев
Ўзбекистон Миллий университети, мустақил тадқиқотчи
karfagen_87@mail.ru
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ижтимоий ривожланиш, социоцентризм, персонализм, эркинлик, масъулият, ахлоқий такомил, танлов, ижтимоий институт, прогресс, регресс.

Аннотация: Мазкур мақолада ижтимоий ривожланишнинг социоцентрик ва персоналистик талқинлари шахс ва жамият муносабати, эркинлик, масъулият ва ахлоқий такомил мезонлари асосида

қиёсий таҳлил қилинади. Марказлаштирилган режалаштиришнинг шахсий ташаббусга таъсири, ташқи ва ички эркинликнинг ўзаро боғлиқлиги, ижтимоий ривожланишда прогрессив ва регрессив ўзгаришларнинг синкретик хусусияти очиб берилади. Натижада шахсий эркинлик билан ижтимоий масъулият ўртасидаги мувозанат барқарор ривожланишнинг муҳим шарти экани асосланади.

ТРАКТОВКА СВОБОДЫ ЛИЧНОСТИ И СОЦИАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В СОЦИОЦЕНТРИЧЕСКИХ И ПЕРСОНАЛИСТИЧЕСКИХ КОНЦЕПЦИЯХ СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

Тунис Нуркосимович Хожиев
Независимый исследователь
Национальный университет Узбекистана
karfagen_87@mail.ru
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: социальное развитие, социоцентризм, персонализм, свобода, ответственность, нравственное совершенствование, выбор, социальный институт, прогресс, регресс.

Аннотация: В статье на основе критериев отношения личности и общества, свободы, ответственности и нравственного совершенствования проводится сравнительный анализ социоцентрической и персоналистической трактовок социального развития. Раскрываются влияние централизованного планирования на личную инициативу, взаимосвязь внешней и внутренней свободы, синкретический характер прогрессивных и регрессивных изменений в социальном развитии. В результате обосновывается, что баланс между личной свободой и социальной ответственностью является важным условием устойчивого развития.

Кириш. Ижтимоий ривожланиш назарияларида шахс манфаатлари билан умумжамият манфаатлари ўртасидаги муносабат, эркинликнинг мазмуни ва ижтимоий институтларнинг инсон фаолиятига таъсири доимий баҳс мавзуси бўлиб келган. Социоцентрик ёндашувларда жамият яхлитлиги устувор қўйилса, персоналистик талқинларда шахснинг қадр-қиммати, танлови ва такомиллашуви марказий ўрин эгаллайди. Замонавий жамиятда рақамли платформалар, иқтисодий рақобат, давлат хизматларининг

трансформацияси ва фуқаролик иштирокининг янги шакллари мазкур икки йўналиш ўртасидаги мувозанат масаласини янада долзарблаштирмоқда. Шу боис социоцентрик ва персоналистик моделларни эркинлик, масъулият ва ахлоқий такомил мезонлари асосида қиёсий таҳлил қилиш назарий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ч. Ван Дорен тараққиёт ғоясини инсоннинг ўзини англаши, ўзини бошқариши ва ахлоқий ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади [1]. В. С. Соловьёв нашрида шахснинг ахлоқий онги ва эркинлиги ижтимоий тараққиётнинг маънавий асослари билан боғланади [2]. А. Сен ривожланишни инсоннинг реал танлов ва имкониятлари кенгайиши билан боғлаб, эркинликни ижтимоий тараққиёт мезони сифатида асослайди [3]. Ф. А. фон Хаек асарида марказлаштирилган режалаштириш, шахсий ташаббуснинг чекланиши ва тоталитар тенденциялар ўртасидаги боғлиқлик танқидий таҳлил қилинади [4]. Е. Б. Рашковский эркинликни шахснинг англанган ва ички жавоби сифатида талқин қилади [5]. Хаекнинг кейинги нашри иқтисодий эркинлик ва ҳуқуқий тартиб муносабатини кенгайтириб кўрсатади [6]. Г.С.Померанц ахлоқий вазифаларнинг мураккаблашуви билан инсон хулқ-атвори ўртасидаги тафовут масаласини илгари суради [7]. Ж.М.Болдуин нашри шахсий ахлоқий ривожланиш билан жамият институтларининг ўзаро мослигини асослашга хизмат қилади [8]. Мазкур манбалар таҳлили эркинлик, ахлоқий масъулият ва ижтимоий институтларни бир-биридан ажралган эмас, балки ўзаро таъсирдаги омиллар сифатида кўриб чиқиш заруратини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, аксиологик ёндашув ҳамда тузилмавий-функционал усуллардан фойдаланилди. Социоцентрик ва персоналистик моделлар шахс мақоми, ижтимоий яхлитлик, иқтисодий ва ҳуқуқий эркинлик, ахлоқий масъулият, танлов имконияти ҳамда прогрессив ва регрессив ўзгаришларни баҳолаш мезонлари бўйича қиёсланди.

Таҳлил ва натижалар. Ижтимоий ривожланишнинг социоцентрик назарияларида алоҳида шахслардан кўра, яхлит жамиятга кўпроқ диққат қаратилади. Унга кўра, алоҳида кишилардан ташкил топувчи жамият муайян яхлитлик сифатида тавсифланиб, унинг ўз элементларидан устунлик касб этиши таъкидланади. Ижтимоий ривожланишнинг бундай концепцияларида инсонга эркин, қадр-қимматга эга шахс сифатида қаралмайди. Аксинча, социоцентрик назарияларга кўра, инсоннинг эркинлиги ва қадр-қиммати формал жиҳатдан тан олиниб, амалий жиҳатдан эса у ривожланиш жараёнида ижодий эмас, балки инструментал вазифа бажаради. Бундан келиб чиққан ҳолда жамиятда рўй бераётган жараёнларнинг қонуният асосида зарурий ва детерминланган шаклда амалга ошиши

таъкидланади. Социоцентрик назарияларда таъкидланган ривожланиш моделининг хусусиятлари тарихан, энг аввало, анъанавий жамиятларда намоён бўлади. Қолаверса, социалистик жамият қуриш орзуси билан яшаган социомаданий муҳитларда ҳам айни концепциянинг ғоялари идеаллаштирилади. Шахс ҳуқуқ ва манфаатлари ўрнига умумжамият манфаатлари мутлақлаштириладиган тоталитар режимлар шароитида ҳам ижтимоий ривожланишнинг социоцентрик концепцияси кенг эътироф этилади.

Ф. А. фон Хаекнинг «Қулликка йўл» асарида ижтимоий ривожланишнинг социоцентрик назариялари танқид қилиниб, унинг татбиқи натижасида юзага келадиган тоталитар режимлар таҳдидлари кўрсатиб ўтилади. Ижтимоий ривожланишнинг социоцентрик концепцияларини иқтисодий-ижтимоий нуқтаи назардан танқид қилган австриялик мутафаккир Ф. А. фон Хаекнинг таъкидлашича, социалистик жамиятлардаги иқтисодий тараққиёт асоси ҳисобланган режалаштириш механизми, энг аввало, айни ғоя мафкурачилари таъкидлаган адолат принципи билан ўзаро номутаносиблик касб этади. Соддароқ қилиб айтганда, иқтисодий ресурсларни тақсимлаш ҳукмрон озчиликнинг имтиёзига айланган ҳолда кўпчиликнинг тақдири озчиликнинг адолат борасидаги шахсий позициясига асосланувчи қарашлардан келиб чиқадиган орзу-интилишларига узвий алоқадор тарзда кечади. Тақдирларнинг персонал потенсиаллар ва қобилиятларга мувофиқ тарзда белгиланиши ҳамда истиқболни башорат қилиш кўплаб тасодифий ҳамда комплекс омиллар туфайли деярли имконсиз бўлган социомаданий муҳитларда эса табиий равишда рақобатга асосланган жамиятлар вужудга келади. Шахс дахлсизлиги ҳамда фуқаро эркинлиги кафолатларининг ахлоқий стандартлар асосида ташкилланмаганлиги омили Ф. А. фон Хаекнинг социалистик режим асосида қурилган жамиятларга нисбатан иккинчи жиддий эътирозини ифода этади.

Иш жойи танлови, хусусий бизнес ташкил қилиш имконияти, шахсий ташаббусларга йўл қўймаслик каби хусусиятлар билан тавсифланувчи жамиятларда бозор муносабатлари ўрнига кўпинча режали иқтисодиёт механизмлари амал қилади. Шунингдек, Ф. А. фон Хаек социалистлар томонидан ўз ғояларини оммалаштириш мақсадида эркинлик тушунчасининг маъноси моҳирлик билан ўзгартирилганига диққат қаратади.

«Сиёсий эркинликнинг буюк ҳаворийлари учун, - деб ёзади у, - бу сўз инсоннинг бошқа одамларнинг зўравонлиги ва ўзбошимчалигидан озод бўлишини, шахсга ҳеч қандай танлов имкониятини қолдирмай, уни ҳукмронларга бўйсунишга мажбур қиладиган занжирлардан халос бўлишини англатган. Янги ваъда қилинган эркинлик эса заруратдан озод бўлиш, ҳар биримизнинг танлаш имкониятимизни шубҳасиз чеклайдиган вазиятлар қафасидан қутулишдир... Инсон ҳақиқатан эркин бўлиши учун «жисмоний зарурат

истибдоди» ни енгиш, «иқтисодий тизим кишанларини» бўшаштириши лозим. Бу маънодаги эркинлик, шубҳасиз, ҳокимият ёки бойликнинг бошқача номидан бошқа нарса эмас» [9]. Рақобатга асосланмаган жамиятлар шахсга иқтисодий ҳимояланганликни тақдим этади. Аммо Хаекнинг таъкидлашича, бундай иқтисодий хавфсизлик эркинликнинг йўқотилиши, армия типидаги иерархик шаклдаги ижтимоий муносабатларнинг ҳосил бўлиши билан бирга рўй беради. Хаек бундай иерархик ижтимоий муносабатларни казарма ва бараклардаги муносабатларга ўхшатади. Хавфсизлик тушунчасининг бундай алмаштирилиши ва умуман социалистик ривожланиш моделининг хатарларини у юқорида номи тилга олинган асарининг хулосасида кўрсатиб ўтади. У режали иқтисодиётни танлаган жамиятлар охир-оқибатда тоталитаризмга олиб борувчи тараққиёт йўлини танлашини таъкидлайди [10]. «Индивидуал ва ижтимоий ривожланиш ўртасидаги муносабат доирасида жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар, инсоннинг ташқи ҳаёт шароитларидаги ўзгаришлар билан унинг ички табиатининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади» [11]. Ижтимоий ривожланиш ва шахс такомиллашуви ўртасидаги алоқадорликни тадқиқ этишга қаратилган изланишлар натижаларини умумлаштирган ҳолда унинг талқинларини 4 гуруҳга ажратиш мумкин.

Социоцентрик ва персоналистик ёндашувлар ўртасидаги зиддиятни мутлақлаштириш ҳам ижтимоий ривожланишнинг мураккаб табиатини тўлиқ очиб бермайди. Жамият институтлари шахснинг имкониятларини белгилайди, шахсларнинг онгли танловлари ва ахлоқий позицияси эса институтларнинг мазмунини ўзгартиради. Шу боис ривожланишни шахс ва ижтимоий яхлитлик ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

«Инсон хулқ-атворининг ахлоқий асослари ижтимоий жараёнлар билан детерминанланади;

Шахслар табиатида рўй берган ижобий ўзгаришлар умумжамият ривожида ҳам ижобий натижаларни» [12] келтириб чиқаради.

Жамият тараққиётининг муайян босқичларида рўй берадиган ахлоқий таназзуллар ё жамиятнинг инқирозига сабаб бўлади, ёки илмий-техникавий тараққиёт билан параллел равишда рўй беради. Биринчи ёндашув регрессивизм тарафдорлари томонидан илгари сурилса, илмий-техник тараққиёт ва ахлоқий деградация ўртасида параллелликни кўрсатиш ғояси индустриал жамият ва модернизация концепцияларининг танқидчилари томонидан урғуланади.

Одамлар табиати вақт ўтиши билан ўзгармайди. Новациялар эса ҳар доим ҳам кам сонни ташкил этувчи иқтидорлилар томонидан татбиқ қилинади. Кўпчилик эса ҳеч қачон

бундай иқтидорлилар ва доҳиёна хусусиятларни касб этувчи кишилар қаторига кирмасдан ўзгармай қолаверади [13].

Персоналистик ижтимоий ривожланиш концепцияларини социоцентрик назариялар билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда унинг бош ғоясини ижтимоий муносабатлар тузилмаси динамикасидаги сифатий сакрашларни индивидуал хатти-ҳаракатлар детерминантлари билан изоҳланишида кўриш мумкин. Унга кўра, жамиятдаги стратификацияларо амал қилувчи мураккабликлар бутун жамият миқёсидаги муаммо кўринишида талқин этилади. Бундан келиб чиққан ҳолда айни концепция доирасида кўрсатилган ижтимоий муаммолар жамият аъзоларининг индивидуал-психологик ҳамда ахлоқий стандартларни қабул қилиш билан боғлиқ мураккабликлар маъносида тушунилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ички зиддиятларни янада яққолроқ намоён қилишга имкон яратади. Г. С. Померанц жамият ва шахснинг ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақида мулоҳаза юритиб, қуйидаги умумий тарихий тенденцияни аниқлайди: «Агар етарлича катта кўламда қаралса, аниқланган ва англанган ахлоқий вазифаларнинг муттасил ривожланиб бораётганини айтиш мумкин; бироқ айни пайтда бу вазифалар ва хулқ-атвор ўртасидаги фарқ ҳам ортиб бормоқда. Меъёр ва намуна тобора мукаммаллашиб борса-да, ўрта статистик инсон эса аксинча, тобора камроқ мукаммал бўлиб бормоқда» [14].

Персоналистик ижтимоий ривожланиш концепцияси доирасида илгари сурилган ижтимоий ривожланиш феноменини тушунтириш борасидаги қарашлар таҳлиллари натижаларини умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, жамият ҳаёти соҳаларидаги сезиларли ўзгаришлар, биринчи навбатда, шахсий такомиллашувнинг пировард маҳсули саналади. Ижтимоий муносабатлар ҳамда кишилар ўртасидаги оқилона алоқаларнинг барқарорлик даражаси жамиятда рационал асосда такомиллашишга интилувчи аъзолар миқдорига тўғри пропорционал ҳисобланади.

Номукаммал дунёдаги ўз шахсий ва жамият ҳолатининг ноқислигини ҳамда инсон мавжудлигининг муаммоли вазиятда эканлигини англаш шахс ва жамиятга ўзаро уйғунликда тараққий этиш заруратини кўрсатади. Жамиятдаги индивид эркинликларининг кенгайиши ҳамда ҳар бир инсоннинг бошқалар манфаатларини ҳурмат қилиш нуқтаи назаридан онгли равишда ўз истакларини тия билиши бундай уйғун ривожланишнинг муҳим шарти саналади. Эркинлик ва ўз-ўзини бошқалар манфаатларини ҳурмат қилиш нуқтаи назаридан онгли равишда чеклай билиш эса шахснинг ички қадр-қиммати билан алоқадор тарзда намоён бўлади.

Шу маънода эркинлик ривожланишнинг индикатори сифатида ижобий ўзгаришлар мазмунини белгилаб бергани ҳолда мазкур жараённинг зарурий шарти ва бош мақсади

ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан эркинликнинг ички ва ташқи ўлчовларини фарқлаш мумкин. Эркинликнинг ташқи ўлчови деганда, жамиятда шахс ўзини намоён қилиши учун талаб қилинадиган ҳуқуқ ва имкониятларнинг том маънодаги кенгайиши тушунилади. Шахс, ижтимоий гуруҳ ёки қатлам томонидан эркинликка бўлган заруратнинг рационал тарзда англанилиши унинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлувчи том маънодаги мезони саналади. Бу эса табиий равишда ислоҳ қилинаётган жамиятларда янада кўпроқ эркинликларни қўлга киритиш эҳтиёжининг ортишига олиб келади.

Шунга кўра, замонавий тадқиқотларда ҳам эркинликнинг ижтимоий ривожланишга нисбатан асосан ҳуқуқий ёки иқтисодий жиҳатдан амалий тушунишдан тортиб, маънавий йўналтирилган эркинлик тушунчасигача бўлган вариантларини қамраб олувчи турлича талқинлари мавжуд. Масалан, А. Сен концепциясида «жамият ривожланишининг мезони деб қаралувчи эркинлик сифатида инсонга оддий яшаб қолиш имкониятини берувчи моддий ресурсларга тўсиқсиз кириш ҳуқуқи келтирилади» [15]. Ф. А. фон Хаек назариясида эса, шахсий иқтисодий фаолият эркинлиги ва марказлаштирилган режалаштиришни рад этиш ҳукмрон озчиликнинг ўзбошимчалигидан шахсларни ҳимоя қилиш кафолати сифатида кўрсатилади [16]. Индивидуал ўзликни англаш ва намоён қилиш, ижодий фаолият танлови каби белгилар маънавий эркинлик тушунчаси мазмунининг туб асосини ташкил қилгани ҳолда персоналистик йўналганлик касб этувчи концепцияларда ижтимоий ривожланишнинг муҳим мезони сифатида кўрсатилади. Маъновий параметрларга кўра, ижтимоий эркинлик категорияси ихтиёрийлик тушунчаси билан қисман мослик муносабатида бўлса-да, ундан фарқли равишда, шахснинг ўз имкон ва ҳуқуқларини чекланмаган тарзда эмас, балки бошқаларнинг эркинликлари билан диалектик алоқадорликда рўёбга чиқаришини англатади. Бу ёндашувда эркинлик индивидуал субъективликнинг мутлақ ифодаси сифатида эмас, балки жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва масъулиятга таянган ижтимоий муносабатлар тизими сифатида талқин этилади.

Эркинликнинг ташқи ва ички ўлчовлари замонавий жамиятда бир-бирини тақозо этади. Ҳуқуқий кафолатлар, иқтисодий имкониятлар ва ахборотга очиқ кириш ташқи шароитларни шакллантирса, масъулият, ўзини назорат қилиш ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ички эркинлик мазмунини белгилайди. Уларнинг бири иккинчисисиз ривожланишнинг барқарор натижасини таъминлай олмайди.

Ижтимоий ривожланишнинг асосий мезонларидан бири сифатида танлов эркинлиги бу жараённи тушунтиришнинг персоналистик ёндашувига мувофиқ келади. Чунки ҳақиқий эркинлик асосида ҳар бир шахснинг онгли равишда ўз тақдирини ўзи белгилаши омили ётиб, бунга ҳеч қандай ташқи таъсирлар орқали эришиб бўлмайди. Е. Б. Рашковскийнинг

таъкидлашича: «...ўзлигимизни англаш ва билиш орқали бизга эркинлик сингдирилиши ва берилиши лозим. Бу эркинлик англанган зарурият эмас, балки зарурият чақириғига нисбатан онгли, чуқур шахсий ва ғайриоддий жавобдир. Шу боис, эркинлик шахсий хусусиятга эга, акс ҳолда у эркинлик бўлмайди» [17].

Шахсга эндоген саналувчи эркинликлар унинг тузилмасида устунлик касб этган вазиятларда ҳам экзоген эркинлик шаклларининг чекланишига олиб келмайди. Шунга мутаносиб равишда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий детерминантлар билан белгиланувчи экзоген эркинлик шакллари ҳам, ўз навбатида, кишиларнинг яшаб қолиш имкони сифатидагина эмас, балки ўзлигини намоён қилиш учун талаб қилинадиган зарурий муҳит маъносида тушунилиши лозим. Эркинликнинг мазкур ташқи шарт-шароитлари ўз-ўзича ривожланиш жараёнини юзага келтирмаса-да, уни таъминлашга хизмат қилувчи ижодий жараённинг зарурий элементи ҳисобланади. В. С. Соловёв шахснинг ўзидан келиб чиқадиган ички ва давлат томонидан кафолатланадиган ташқи эркинликнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, ривожланиш жараёнида эркинликнинг ортиб бориши ҳақида шундай дейди: «Ҳақиқий эркинликни инсон ўзи ички жасорат билан қўлга киритиши лозим». Эркинлик ҳуқуқи ички томондан шахснинг ўз мавжудлигига, ташқи томондан эса давлат кафолатларига асосланиши лозим. Мазкур юридик нормалар имманент тарзда эришилган ахлоқий онг даражаларига мутаносиб равишда юзага чиқарилади. Эзгу ирода ва соф виждон тамойилларини ҳаётий мезонга айлантирган ташқи қарамликдан ҳоли имманент ижобий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган кишигина ички ва ташқи жиҳатдан эркин инсон саналади.

Рақамли платформалар ва ижтимоий тармоқлар танлов имкониятларини кенгайтириши билан бирга шахсий масъулиятнинг янги шаклларини ҳам юзага келтиради. Ахборотни танлаш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, бошқаларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва рақамли мулоқотда ахлоқий меъёрларга риоя этиш эркинликнинг замонавий мазмунини тўлдирувчи муҳим жиҳатлар ҳисобланади.

Ҳар бир кишининг муайян ижобий ёки салбий хулқ-атвор моделини танлашга бўлган эркинлиги бевосита унинг қадр-қиммат тушунчасига нисбатан аввалдан шаклланган тасаввурларига алоқадор тарзда намоён бўлади.

Ч. Ван Дорен «Тараққиёт ғояси» китобида ўз-ўзини чеклаш мезонини «ўзини тушуниш ва ўзини бошқариш» [18] учун ақлдан фойдаланиш деб таърифлаган ҳолда бу мезонни қўллайдиган ижтимоий ривожланиш назариётчиларини «антропоген» ёндашув тарафдорлари сифатида кўрсатади. Ван Дорен ёндашувини индивиднинг жамият ва бошқалар олдидаги масъулияти тушунчаси билан тўлдириш айни йўналишдаги ижтимоий

ривожланиш концепцияларини назарий жиҳатдан механик тушунтириш ҳамда ўз-ўзини тийиш ва назорат қилиш тамойилларида ифодаланувчи ахлоқий меъёрлар миқёсига туширишда намоён бўладиган методологик чекланганликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Жамиятда шахснинг мавжудлигининг ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлган бу икки тамойил ўртасидаги фарқни инсонни ўз-ўзини назорат қилиш ва чеклашга ундовчи омиллар асосида белгилаш мумкин. «Соф» ўз-ўзини назорат қилиш ғояси асосий интилиш шахснинг ахлоқий ҳаётига нисбатан унинг асосий интенцияси ҳар қандай вазиятда ҳам ташқи омил сифатида намоён бўлишини назарда тутади. Мазкур талқинни ижтимоий шартнома назариясининг турли вариантларида учратиш мумкин. Жумладан, ижтимоий шартнома назарияларига кўра, одамларни жамиятда яшаб қолиш ва ушбу жамиятнинг яхлитлигини сақлашга бўлган интилиш ҳаракатга келтиради. Агар масъулият тушунчаси биргина индивиднинг бошқалар олдидаги масъулияти маъносида тушунилса, унда мазкур категория ижтимоий миқёсдан кўра, ахлоқий мазмун касб этади. Шахсий ва ижтимоий ривожланишнинг бундай ахлоқий боғлиқлиги ҳақида, масалан, Ж. М. Болдуин шундай ёзади: «Шахсдаги ахлоқий меъёр бошқа меъёрларни назорат қила бошлайди, чунки у уларни умумлаштиради ва улардан устун туради. Жамият эса ўзида айни умумлашмани қамраб олади. Шунга мувофиқ тарзда унинг муассасалари индивидиумнинг ривожланиши учун талаб қилинадиган зарурий шароитларни таъминлайди. Шу сабабли, унинг илгариланма ҳаракати индивидиумнинг олий даражада ривожланиши амалга ошириладиган йўналиш билан мос тушиши лозим. Бу индивидиумнинг кучларини ижтимоий ва ахлоқий бирлик ҳамда ҳамкорлик манфаатлари йўлида тўлиқ бошқариш ва улардан фойдаланиш томон йўналтирилган ҳаракатдир» [19].

Юқоридаги таҳлиллар натижаларини умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, персоналистик талқиндаги концепцияларда жамиятдаги мураккаб ҳамда инқирозли вазият ҳамда жорий тартиб-тамойилларнинг дисфункция ҳолатида эканлигини англаш ижтимоий ривожланиш жараёнини вужудга келтирувчи муҳим когнитив туртки саналади. Шу маънода, шахсий такомил орқали умумжамият юксалиши эффектини ҳосил қилишга бўлган интилишни айни концепциялар нуқтаи назаридан ижтимоий ривожланиш жараёнларининг ғоявий-психологик катализатори сифатида тавсифлаш мумкин.

Персоналистик мўлжалларга таянувчи концепциялар талқинидаги ижтимоий ривожланиш категорияси мазмунини ўзликни намоён қилиш имкониятларининг кенгайиши, шахсий назорат ёки бошқалар олдидаги масъулият ҳиссининг ортиши, шахс

онги тузилмасида ўзи ва бошқалар қадр-қимматлари борасидаги муносабатларнинг ўзаро мутаносиблашувига боғлиқ эркинликларда акс этувчи муҳим белгилар ташкил этади.

Ижтимоий ривожланиш категорияси мазмунининг белгиларини алоҳида ажратиб кўрсатиш, уни тараққиёт тушунчаси мазмунини ташкил этувчи белгилар билан таққослаган ҳолда ижтимоий динамикани тарихий вақт нуқтаи назаридан кўриб чиқиш заруратини тақозолайди. Соддароқ қилиб айтганда, бундай таҳлиллар, энг аввало, жамиятдаги ривожланиш жараёни ундаги ижобий ўзгаришлар билан ўзаро мутаносиблик касб этадими, деган саволга жавоб излашни талаб қилади [20]. Тараққийпарварлик назарияси тарафдорлари ижтимоий ривожланишни жамият ташкиллашувидаги содда даражалардан мураккаб даражаларга тадрижий тарзда ўтиб бориш жараёнида жамият ҳаётининг турли соҳаларида рўй берадиган ижобий ўзгаришлар маъносида тушунтиришга интиладилар. Аксинча, регрессив ёндашув тарафдорлари эса, жамиятнинг вақт мобайнида мавжудлиги жараёнида унинг тобора таназзулга учраб боришини мазкур категориянинг муҳим белгиси сифатида кўрсатадилар. Ижтимоий ривожланишнинг ҳар икки талқинида тараққиётнинг чизиқли модели ҳамда ижтимоий жараёнларга аксиологик нуқтаи назардан қараш тамойиллари бирёқлама детерминант қилиб олинади. Соддароқ қилиб айтганда, айни тамойиллар аксиоматик назарий асос сифатида қабул қилинган шароитдагина, ижтимоий ривожланишнинг прогрессив ва регрессив талқинлари мазмуни чинлик касб этади.

Прогрессив ва регрессив ўзгаришлар бир вақтнинг ўзида кечиши мумкинлиги замонавий технологик тараққиёт мисолида ҳам кўринади. Янги технологиялар меҳнат унумдорлиги ва хизматлар сифатини оширади, айни пайтда рақамли тенгсизлик, ахборот ортиқчалиги ва ижтимоий бегоналашув каби муаммоларни кучайтириши мумкин. Шу сабабли ижтимоий ривожланишни баҳолашда бир йўналишли ижобий ўсиш мезони билан чекланиш етарли эмас.

Кишилик жамияти тарихий тараққиётини ўзаро бир-бирини истисно қилувчи регрессив ва прогрессив ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқилса, ижтимоий жараёнлардаги ижобий ва салбий ўзгаришларни алоҳида ажратган ҳолда тавсифлаш имконсиз экани ва уларнинг ўзаро синкретлашиб кетгани маълум бўлади. Бу мураккаб манзарада бутун инсоният тарихини тавсифловчи ижобий ёки салбий ўзгаришларнинг умумий тенденцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиш деярли имконсиз ҳолат саналади.

Хулоса ва таклифлар

1. Социоцентрик ёндашув жамият яхлитлиги ва тартибини устувор қўяди, персоналистик ёндашув эса шахс қадр-қиммати ва танлов имкониятини марказга олади.

2. Ижтимоий ривожланишда ташқи ҳуқуқий ва иқтисодий эркинликлар ички масъулият ва ўзини назорат қилиш билан уйғунлашганда барқарор натижа юзага келади.

3. Марказлаштирилган бошқарув шахсий ташаббус ва рақобатни чеклаган ҳолатларда ижтимоий инновация имкониятлари камаяди.

4. Шахсий такомил билан жамият институтларининг сифатий ўзгариши ўзаро боғлиқ жараёнлар сифатида намоён бўлади.

5. Прогрессив ва регрессив ўзгаришлар бир вақтнинг ўзида кечиши мумкинлиги ижтимоий ривожланишни кўп мезонли баҳолашни талаб қилади.

6. Рақамли платформаларда фуқаролар эркинлиги билан шахсий маълумотлар ва бошқалар қадр-қимматини ҳимоя қилиш мезонларини биргаликда кучайтириш мақсадга мувофиқ.

7. Меҳнат ва тадбиркорлик сиёсатларида танлов имконияти, рақобат ва ижтимоий ҳимоя ўртасидаги мувозанатни баҳолаш амалиётини кенгайтириш зарур.

8. Таълим дастурларида ҳуқуқий саводхонлик, танқидий фикрлаш ва шахсий масъулият кўникмаларини ўзаро боғлиқ тарзда ривожлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Van Doren Ch. The Idea of Progress. - New York: Frederick A. Praeger, 1967. P. 28.

2. Померанц Г. С. Выход из транса. - М.: РОССПЭН, 2010. С. 283. Сходную мысль мы находим у В. С. Соловьева (Оправдание добра. - М.: Республика, 1996. С. 172).

3. Сен А. Развитие как свобода / Пер. с англ. - М.: Новое издательство, 2004. С. 22.

4. Хайек Ф. А. фон. Дорога к рабству / Пер. с англ. - М.: Новое издательство, 2005. С. 33, 53, 124.

5. Рашковский Е. Б. Смыслы в истории: Исследования по истории веры, познания, культуры. - М.: Прогресс-Традиция, 2008. С. 237.

6. Хайек Ф. А. фон. Дорога к рабству / Пер. с англ. - М.: Новое издательство, 2005; его же. Конкуренция, труд и правовой порядок свободных людей (фрагменты сочинений). - СПб.: Пневма, 2009.

7. Померанц Г. С. Выход из транса. - М.: РОССПЭН, 2010. С. 283. Сходную мысль мы находим у В. С. Соловьева (Оправдание добра. - М.: Республика, 1996. С. 172).

8. Болдуин Дж. М. Духовное развитие с социологической и этической точки зрения. Т. 2 / Пер. с англ. - М.: Либроком, 2011. С. 97–98.

9. Хайек Ф. А. фон. Дорога к рабству / Пер. с англ. - М.: Новое издательство, 2005. С. 50.

10. Хайек Ф. А. фон. Дорога к рабству / Пер. с англ. - М.: Новое издательство, 2005. С. 33, 53, 124.

11. Van Doren Ch. The Idea of Progress. - New York: Frederick A. Praeger, 1967. P. 284–428.

12. Van Doren Ch. The Idea of Progress. - New York: Frederick A. Praeger, 1967. P. 201.

13. Van Doren Ch. The Idea of Progress. - New York: Frederick A. Praeger, 1967. P. 201.

14. Померанц Г. С. Выход из транса. - М.: РОССПЭН, 2010. С. 283. Сходную мысль мы находим у В. С. Соловьева (Оправдание добра. - М.: Республика, 1996. С. 172).

15. Сен А. Развитие как свобода / Пер. с англ. - М.: Новое издательство, 2004. С. 22.

16. Хайек Ф. А. фон. Дорога к рабству / Пер. с англ. - М.: Новое издательство, 2005; его же. Конкуренция, труд и правовой порядок свободных людей (фрагменты сочинений). - СПб.: Пневма, 2009.

17. Рашковский Е. Б. Смыслы в истории: Исследования по истории веры, познания, культуры. - М.: Прогресс-Традиция, 2008. С. 237.

18. Van Doren Ch. The Idea of Progress. - New York: Frederick A. Praeger, 1967. P. 28.

19. Болдуин Дж. М. Духовное развитие с социологической и этической точки зрения. Т. 2 / Пер. с англ. - М.: Либроком, 2011. С. 97–98.

20. Новейший философский словарь / Сост. А. А. Грицанов. - Мн.: Изд. В. М. Скакун, 1998. С. 562.